

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муаммолари ва уларни
бартарф этиш йўллари

Режа:

1. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг иқтисодий мазмун-
моҳияти ва хусусиятлари

2. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ва уларнинг
таркиби

3. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муаммолари ва уларни
бартарф этиш йўллари

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиёти режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш ҳолатида турибди. Бу жараён инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасида кўплаб қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган ва мамлакатимиз саноатини барқарор, жадал ҳамда мувозанатли ривожлантиришга йўналтирилган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнининг матиқий давоми бўлади. Шу билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойларни барпо этиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. “2010 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2009 йилга нисбатан 9,2 фоизга ортиди ва 15 409 млрд. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбати қарийб 25 фоизни ташкил қилди”, - деб таъкидлаган эдилар. Зеро, ушбу вазифани ҳал этиш иқтисодиётнинг турли секторларини барқарор ривожланиб боришини аниқлатади ва бунда инвестицияларни ҳудудий ва тармоқлар тузилмавий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш масаласи бугунги долзарб муаммолардандир.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини излаб топиш ва уларни молиялашга жалб қилиш ҳозирги вақтда инвестиция фаолиятидаги энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида молиялаштириш манбаларининг танқислиги вужудга келди. Бунда инвестицион фаолиятни аста-секин нодавлат секторига ўтиб бориши, хусусий, жамоа, кўшма корхоналарнинг яратилиши ва ривожлантирилиши ҳам инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таснифига катта таъсир кўрсатди.

1. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг иқтисодий мазмун-моҳияти ва хусусиятлари

Инвестиция лойиҳаси мазмун-моҳиятини инвестиция тушунчасига боғлаган ҳолда тушуниш ўринлидир ва шунга мувофиқ, уни, бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда, келажакда фойда (даромад) олиш мақсадида капитал қўйилмаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган узок муддатли комплекс тадбирлар мажмуи, деб баҳолаш мумкин. Шу билан бирга инвестиция лойиҳаси ресурслар ва муайян вақт билан чекланади ҳамда қўйилган мақсадга эришишни кўзда тутаяди. У чекланган давр давомида, белгиланган бюджет ҳисобидан, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган аниқ мақсадни назарда тутаяди. Инвестиция лойиҳаси бошқа тадбирлар мажмуасидан ўзининг мақсади, белгиланган вақт мобайнида амалга ошириш имкониятлари ҳамда ҳаётий циклга эгаллиги билан ажралиб туради.

Инвестиция лойиҳаси тушунчасини унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш жараёнини, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек, тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. У ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, экологик, иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ва мукамал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжат ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳасининг бошқа ҳужжат ва «лойиҳа»лардан асосий фарқи шундаки, у ҳақиқий ҳужжат сифатида қарор топиши учун унинг барча томонлари махсус усуллар ёрдамида кенг ва аниқ ҳисоб-китоблар билан баҳоланади. Шунингдек унинг амалга оширилиши муайян миқдордаги маблағларни сафарбар этишга асосланади.

Инвестиция лойиҳаси инвестиция ғоясининг шаклланишидан вужудга келар экан, унинг мураккаб жараёнлар асосида яратилишида турли тадқиқотлар ва таҳлил этиш ишларини олиб борувчи мутахассисларнинг асосий ўрин эгаллашларини алоҳида эътиборга олмоқ зарурдир. Инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусияти унинг амалга оширилиши молиялаштиришнинг турли шаклларига мос тушиши билан изоҳланади. Бунда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун турли манбалардан маблағларни жалб этиш мумкинлиги унинг қулайлигини, фойдалилигини, самарадорлигини ва афзаллигини оширади.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, асосан, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, шунинг билан биргаликда ички бозорни маҳаллий хом ашёларга таянилган ҳолда ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар билан тўлдиришга қаратилмоқда. Бу эса республикада миллий ишлаб чиқаришнинг янада ривожланиши, иқтисодий фаол мулкдорлар синфининг тобора шаклланиб бориши, ишбилармонлик, тадбиркорликнинг, хусуан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий топиши билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда улар истиқболи учун ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефт ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Мазкур инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун, энг аввало, қулай инвестиция муҳити барпо этилиши лозим бўлади. Қулай инвестиция муҳити инвесторнинг у ёки бу давлат иқтисодиётига маблағ сарфлаш учун шарт-шароитларнинг қулайлигини, яъни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг яратилганлигини баҳолашдаги барча ҳисоб-китоблар мажмуасини ўз ичига олади. Инвестиция муҳитининг жозибadorлиги унга таъсир этувчи омиллар даражасига боғлиқдир.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвесторлар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун

сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капитални сақланиши учун кафолатлар;
- кўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

2. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ва уларнинг таркиби

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини излаб топиш ва уларни молиялашга жалб қилиш ҳозирги вақтда инвестиция фаолиятидаги энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида молиялаштириш манбаларининг танқислиги вужудга келди. Бунда инвестицион фаолиятни аста-секин нодавлат секторига ўтиб бориши, хусусий, жамоа, кўшма корхоналарнинг яратилиши ва ривожлантирилиши ҳам инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таснифига катта таъсир кўрсатди. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамғармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Яъни, хорижий фирмалар билан биргаликда эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Бозор муносабатлари такомиллашиб боргани сари корхоналар инвестицион фаолиятини молиявий таъминлаш манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бормоқда.

Давлатнинг инвестицион ресурсларига турли солиқлар ва мажбурий йиғимлардан ташкил топган солиқли даромадлари солиқсиз даромадларининг бир қисми, хусусий инвестицион ресурсларга иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг турли фондларда жамланган маблағлари ва жисмоний шахсларнинг маблағлари киради. Хорижий инвестицион ресурсларга чет эл давлатлари, корхоналари, халқаро милявий институтлар маблағлари киради.

Инвестиция лойиҳаларининг молиялаштириш манбалари таркиби¹

Гуруҳи	Тури	Манбаларнинг гуруҳдаги ташкилий таркиби
Давлат маблағлари (ресурслари)	ўзлик	давлат бюджети
		маҳаллий бюджетлар
		бюджетдан ташқари фондлар
	жалб қилинган	давлат кредит тизими
		давлат суғурта тизими
	қарз	давлат қарздорлиги (давлат заемлари, ташқи қарзлар, хорижий кредитлар ва бошқа шу кабилар)
Корхоналар маблағлари (ресурслари)	ўзлик	корхонанинг ўз инвестицион ресурслари
	жалб қилинган	бадаллар, хайриялар, акциялар чиқариш, акцияларнинг қўшимча эмиссияси
		резидентлар-инвестиция компаниялари инвестиция ресурслари, жумладан, пайли инвестицион фондлар
		резидентлар-суғурта компаниялари инвестиция ресурслари
		резидентлар-нодавлат нафақа фондлари инвестиция ресурслари
	қарз	банк ва тижорат кредитлари ҳамда бюджет кредитлари ва мақсадли кредитлар
		чет эллик инвесторлар инвестиция ресурслари, жумладан, тижорат банклари, халқаро молиявий институтлар, институционал инвесторлар, хорижий корхоналар

¹ Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008 йил

Мулкдорлар даражасига кўра давлат, корхона ва лойиҳа даражасида ўрганишимиз бевосита ҳар бир инвестиция истеъмолчисининг имкониятини боҳолашга хизмат қилади.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ишлаб чиқаришни ташкил этиш жиҳатларини ўзгартириб, иқтисодий ривожланишни хорижий инвестицияни жалб этиш орқали олиб боради. Бундай молиялаштириш мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада самарали бўлишига ёрдамлашади, хўжалик амалиётида аста-секин босқичма-босқич иқтисодий ўсишни кенгайтиришга, хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятини оширади, такрор ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллаштиришга имкон беради, хусусий секторни инвестициялаш имкониятларини кенгайтиради.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши²

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
1	3	4	5	6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5903,5	9555,9	12531,9	15409,1
<i>Марказлаштирилган инвестициялар</i>	<i>1043,7</i>	<i>1890,1</i>	<i>2517,9</i>	<i>2855,3</i>
бюджет маблағлари	473,4	816,6	1019,5	1136,5
суғориладиган ерларнинг ме- лиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	-	-	-	63,8
бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари	338,7	585,9	927,8	1079,6
давлат кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитлари	231,6	487,6	570,6	575,4
<i>Марказлаштирилмаган инвестициялар</i>	<i>4859,8</i>	<i>7665,8</i>	<i>10014,0</i>	<i>12553,8</i>
корхоналар маблағлари	2699,7	3940,3	4550,0	4862,1
аҳоли маблағлари	643,8	834,6	1325,0	2430,4
тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари	1216,1	2376,3	3487,5	3863,6
тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	300,2	514,6	651,5	1397,7

² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

1-жадвалда асосий капиталга инвестициялар йилдан йилга кўпайишини кузатишимиз мумкин. Шу ўринда марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда марказлашмаган инвестициялар таркиби йилдан-йилга ўсиб боришини кузатишимиз мумкин. Аксинча марказлашмаган инвестициялар таркиби эса пасайиб бориши кузатилмоқда. Бу албатта ижобий ҳолат дейишимиз мумкин, чунки ҳукумат кафолати остидаги инвестицияларнинг пасайиши мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир қилади, яъни мамлакат ташқи қарзини ошмаслигига, мамлакат тўлов балансининг ҳолати яхшиланишига ва рисклилиқ даражасини пасайишига олиб келади.

3. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муаммолари ва уларни бартарф этиш йўллари

Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги фаолиятини янада кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш, уларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устивор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ва такомиллаштириш борасида куйидагилар муҳим ҳисобланади:

- иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларни йирик инвестиция институтларига айлантириш;

- барқарор экспорт салоҳиятига эга корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг банк кредитлари бўйича мавжуд қарзларини реструктуризация қилиш йўли билан уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва уларга янги инвесторларни жалб қилиш борасидаги ишларни кенгайтириш;

- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш кўламини ва сифатини ошириш билан боғлиқ ишларни давом эттириш, аҳолининг пластик карточкалар орқали муомала қиладиган депозитларининг сонини ошишини рағбатлантириш;

- қишлоқ жойларида банк хизматлари сифатини ошириш ва ҳажмини кенгайтириш, хусусан мини-банклар ва махсус кассалар фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш, банк тузилмалари сонини янада кўпайтириш;

- банкларнинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш назоратининг сифатини яхшилаш, банклар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш, уларни бартарф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши юзасидан уларнинг маъсулиятини ошириш ҳамда назорат ишларини кучайтириш;

- банкларда корпоратив бошқарув даражасини янада ошириш, уларни бошқариш усулларини такомиллаштириш ва кредит ташкилотлари акцияларининг инвесторлар томонидан сотиб олинишини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;

– кредит ташкилотлари томонидан кредит хатарини, унинг кредит ташкилотлари капитали ва умумий молиявий барқарорлигига таъсирини баҳолаш механизмларининг тўғри йўлга қўйилишини таъминлаш;

– кредит ташкилотларида қўлланилаётган ликвидлик ҳолатини ва ликвидликни йўқотиш хатарини баҳолаш услублари ҳамда ликвидликни бошқариш воситаларини таҳлил қилишга;

– инвестицион молиялашнинг замонавий механизмларини жорий этиш, яъни инвестицион лойиҳаларни экспертиза қилиш, ташкилотларни тўлиқ молиявий таҳлил қилиш ва улар фаолиятини баҳолаш юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш;

– тижорат банклари акцияларининг инвесторлар томонидан сотиб олиншини назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш зарур.

Ҳозирги кунда тижорат банклари узок муддатли кредитлардан кенг фойдаланиб инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни амалга оширмоқдалар. Лекин, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш узок муддатга кўпгина маблағ сарф қилишни талаб қилганлиги сабабли барча тижорат банклари ҳам лойиҳавий молиялаштириш билан шуғуллана олмайдилар.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда жуда кўплаб молиялаштиришни талаб этадиган инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш иқтисодиётни ривожлантиришга, маҳаллий ишлаб чиқариш даражасини кўтаришга олиб келади. Уларни амалга оширишда лойиҳавий молиялаштиришнинг инвестицияларни пухта баҳолаш лойиҳани амалга ошириш ҳамда мониторингини олиб бориш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича чет эл тажрибаларини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бизда инвестиция институтларининг кўпгина имкониятлари ишлатилмаяпти. Бу лойиҳалаштириш институтлари турли соҳалар бўйича ихтисослашган, малакали ходимларга эга бўлганлиги сабабли улар томонидан кичик ва катта лойиҳалар унумли ишлаб чиқилар эди. Ва, шуниси муҳимки, лойиҳаларни амалга оширувчи ташаббускор сифатида уларнинг ўзлари қатнашар эдилар.

Бироқ, ҳозирги кунда уларнинг кўп йиллик тажрибасидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги сабабли қарз олувчи (ҳох у хусусий фирма ёки давлат корхонаси бўлсин) тўғридан-тўғри ўз ғояси ва илтимоси билан банка молиялаштириш очиш тўғрисида мурожаат этади. Лекин, шу нарсани унутмаслик керакки, банк ғоя учун маблағ ажратмайди.

Бу ғояни лойиҳа даражасига кўтариш учун банк ходимидан маълум бир вақт ҳамда лойиҳага тегишли бўлган бозор сигментлари ва иқтисодиёт тармоқлари ҳақида чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади. Шундай қилиб, лойиҳалаштириш институтларининг кўмагидан фойдаланмаслик, у ёки бу

лойихаларга ўз вақтида маблағ ажратмаслигига, уларнинг сифатига салбий таъсир этади.

Банкларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат кафолатларини кенгайтириш, солиқ имтиёзларини жорий қилиш. Бунда солиққа оид қонунлар, масалан, инвестицияга йўналтирилган маблағларни имтиёзли солиққа тортиш тўғрисида; инвестиция банкларининг активларини солиққа тортишдан воз кечиш тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, аҳоли омонатларини кафолатлари тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши лозим.

Лойиҳаларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ўртача банклар учун юқори рискли ва ўзига яраша қиммат ҳисобланади. Шунинг учун бу лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий банкларнинг кредит линияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда нисбатан арзон инвестиция ресурсларига эга бўлиш билан бирга, лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хатарларни ҳамкорлар ўртасида тақсимлаш имкониятига эга бўлинади.

Инвестиция лойиҳасини тавсифлаб берувчи маълумотларга ҳаддан зиёд кўп талабларнинг қўйилиши ҳамда банкнинг лойиҳаларини молиялаштириш йўналишидаги методик қўлланмаларнинг ортиқча мураккаблиги инвестиция лойиҳасини амалга оширишни қийинлаштиради. Масалан, қарз олувчи кредит олиш учун банка кўп миқдорда ҳужжатларни тақдим этиши ва мураккаб ҳужжат шакллари тўлдириш лозим. Шунинг учун кўпгина ҳолатларда мижоз ё умуман банка мурожаат этишдан бош тортади, ёки ҳужжатларни тўлдиришга Расмий қарайди ва натижада, бианкка айнан керакли бўлган маълумотларни бера олмайди. Бунинг оқибатида банк томонидан мижознинг лойиҳа билан ишни давом эттириш бўйича қарор қабул қилишда бу маълумот ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва уларнинг самарали ишлашини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун молиявий маблағлар, энг камида эса, молиявий асос керак бўлади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, самарали инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифаларни ҳал этишга муваффақ бўламиз. Унинг амалга оширилиши биргина кўшимча фаолият ва ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишини таъминлаб қолмасдан, балки жамият ҳаётининг ҳақиқий даражасини кўрсатиб берувчи аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига ва давлат бойлигининг кўпайишига ҳамда унинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ишлаб чиқаришни ташкил этиш жиҳатларини ўзгартириб, иқтисодий ривожланишни хорижий инвестицияни жалб этиш орқали олиб боради. Бундай молиялаштириш мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини янада самарали бўлишига ёрдамлашади, хўжалик амалиётида аста-секин босқичма-босқич иқтисодий ўсишни кенгайтиришга, хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятини оширади, такрор ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллаштиришга имкон беради, хусусий секторни инвестициялаш имкониятларини кенгайтиради.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бозор механизмига устуворлик бериш, бунинг учун қулай шарт-шароит яратиш (имтиёзлар ва бошқалар), молиялаштиришнинг турли усулларидан (масалан, лизинг) фаол фойдаланиш, аҳоли маблағларини фаол жалб қилиш, фоиз ставкаларини диверсификациялаш, янги техника-технологияларни ўзлаштиришда чет эл кредитлари ва инвестицияларини фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Чет эл инвестициялари тўғрисида». 1998 йил 30 апрел
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Инвестиция фаолияти тўғрисида». 1998 йил 24 декабр
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2005 йил 11 апрел
4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. Т.: - Ўзбекистон, 2005.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: - Ўзбекистон, 2009.
6. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Халқ сўзи, 2010 йил
7. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008 – 208 б.
8. А.Вахобов, Ш.Хожибакиев. “Хорижий инвестициялар” Ўқув қўлланма. Банк-молия академияси, “Молия” нашриёти. 2010 й.
9. Узоқов А., Носиров Э. “Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги». Ўқув қўлланма. ТМИ.-Т.: «Иқтисод-молия» 2006 й.
10. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма - Т.: - «Шарқ», 2003.

Интернет сайтлари

11. <http://invest-faq.com/>;
12. www.tfi.uz
13. www.google.uz
14. www.gov.uz
15. www.atlantinvest.ru;
16. www.referat.ru